

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ  
ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИНГЛИЗ ТИЛШУНОСЛИГИ КАФЕДРАСИ**

**ТИЛ ВА ТИЛ ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ**

**(Инглиз тилшунослиги кафедраси олимаси  
М.Қ.Абдуллаева таваллудининг 80 йиллигига  
бағишланади)**

**мавзусидаги Университет миқёсидаги ОНЛАЙН  
илмий-амалий анжумани материаллари  
ТЎПЛАМИ**

**BUKHARA STATE UNIVERSITY**

**30-oktabr  
2020-yil**

**OUR KNOWLEDGE IS A BIG SUCCESS IN LIFE**

**Department  
Eng**

**SOAT  
10:00**

**BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI XORIJIY TILLAR FAKULTETI  
INGLIZ TILSHUNOSLIGI KAFEDRASI  
TIL VA TIL O'QITISHNING ZAMONAVIY MUAMMOLARI**

**UNIVERSITET ILMIY-AMALIY ONLAYN ANJUMANI  
(KAFEDRA OLIMASI M.Q.ABDULLAYEVA TAVALLUDINING 80  
YILLIGIGA BAG'ISHLANADI)**

**QAYSITILLARDA  
O'ZBEK, RUS, INGLIZ**

**Manzil: Buxoro davlat  
universiteti,  
Buxoro shahar M.Iqbol  
ko'chasi 11-uy.**

**БУХОРО – 2020**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ  
ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИНГЛИЗ ТИЛШУНОСЛИГИ КАФЕДРАСИ**

**ТИЛ ВА ТИЛ ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ**

**(Инглиз тилшунослиги кафедраси олимаси  
М.Қ.Абдуллаева таваллудининг 80 йиллигига  
бағишланади)**

**мавзусидаги Университет миқёсидаги ОНЛАЙН  
илмий-амалий анжумани материаллари  
ТЎПЛАМИ**

**БУХОРО – 2020**

When displaying search results, a series of words that are alphabetically close to that word will appear on the left side of the column [4].

In conclusion, the establishment of Uzbek cyber lexicography is one of the most important tasks today. Based on the achievements of modern linguistics, the construction and processing of Uzbek dictionaries on the basis of computer technology, its use in certain conditions, modeling for different conditions, the use of computer models of our native language in linguistics or other fields, technical translation, etc.

#### References:

1. Cybernetic lexicography Zakharov V. 1 A -10 FIYa ChGU imeni I. N. Ulyanova.elektr.resurs. <http://www.myshared.ru/slide/10492/>
2. Karpova O. M., Menagarishvili O. V. Electronic dictionaries and cybernetic lexicography: method. recommendations to the special course. Ivanovo: Ivan. gos. un-t, 2002. 45 p.
3. New in foreign linguistics. Issue 14. Problems and methods of lexicography. Edited by TS Zevakhina, B. Yu. Gorodetsky. M.: Progress, 1983. --- 399 p.
4. Toirova G. Theoretical and practical issues of creating a national corps of the Uzbek language. International monograph. Germany: Glebe Edit International Publishing House. 2020, -169 b.
5. Sazhenin, I. I. Dictionary corpus: problems and prospects / I. I. Sazhenin; ed. O. A. Markasova, N. V. Konstantinova // Young Philology - 2011 (based on the research of young scientists): interuniversity collection of scientific papers. - Novosibirsk: Publishing house of NGPU, 2011. - P. 250 – 259

### ТОВУШ ТАКРОРИНИНГ УСЛУБИЙ ВАЗИФАСИ

*Наврүзова Н.Х.  
БухДУ, II босқич магистранти*

**Кириш.** Бир хил ёки бир-бирига ўхшаш товуш тил бирликларининг бадий нутқда такрорланиш ҳодисаси такрордир. Фонетик такрор айрим товушларнинг мисралараро такрорига асосланувчи стилистик фигуралар: аллитерация, ассонанс, эпифораларни ўз ичига олади.

Такрор поэтик ва публицистик асарлар тилида энг кўп қўлланиладиган синтактик-стилистик фигура бўлиб ҳисобланади.

Товуш такрори термини дастлаб О. Брик томонидан киритилган ва у фақат ундош товушларга нисбатан ишлатилган. Кейинчалик бу термин поэтик нутқдаги унли ва ундош товушларга нисбатан ҳам қўлланиладиган бўлди.

Такрор нафақат нутқ товушларига, балки тил структура элементларининг бошқа кўринишларига ҳам хосдир. Жумладан, сўз такрори, морфологик қисмлар такрори, синтактик бутунликларнинг такрорланиши

кундалик алоқа жараёнида тез-тез учраб туради. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, тилда такрор маълум бир системани ташкил этади.

Унли товушлар такрори, ундош товушлар такрори, бўғин такрори кабилар халқ оғзаки ижоди намуналарида, поэтик нутқда кўп учрайди. Фонетик такрор, асосан, бадий нутқ услубига хосдир. Фонетик унсурларни атайлаб такрорлаш орқали автор ўз тасвир кучини оширишга, ҳис-туйғуларини бўрттириб ифодалашга эришади.

Товуш такрори айниқса тингловчи ёки ўқувчининг диққатини тасвир объектига кўпроқ жалб қилиш учун ишлатилади. Такрорнинг асосий вазифаси нутқни таъсирчан қилиш, фикрни конкретлаштириш ва унга тингловчи диққатини тортишдир.

**Асосий қисм.** Такрор айниқса фонетик такрор тил стилистик ресурсларининг бойиш манбаларидан биридир. Сўзловчи ўз сезгиларига иборанинг мос эмаслигини англаб, сифатни миқдор билан тўлдиришга ҳаракат қилади. Бу эса такрорни юзага келтиради. Такрор маънони кучайтириш, интенсивлик ва эмоционаллик учун хизмат қилади. Ш. Балли такрорнинг юзага келишини эмоционал импульслар билан изоҳлайди. “Қанча импульс бўлса, шунча такрор бўлади,” – деб ёзади.

Такрорнинг синтактик – стилистик хусусиятлари ҳақида тилшунослардан И.М. Астафьева, М.Н. Адиловлар махсус монографик тадқиқотлар олиб борганлар. Аммо ўзбек тилшунослигида синтактик – стилистик фигуралардан бири -такрор ҳақида йирик тадқиқотлар яратилмаган. Лексик стилистикага оид айрим дарслик ва қўлланмаларда умумий фикрлар билдирилган. Аммо бу ўринда профессор Р. Қунғуровнинг “Ҳ. Олимжон асарлари тилини ўрганиш бўйича материаллар” илмий тадқиқотидаги “Такрор” бўлимида баён қилган қарашларини алоҳида қайд қилиш лозим. Олим бу тадқиқотида такрор нима? Бадий асар тилида такрорнинг ишлатилиши ижобий ҳодисами ёки салбий ҳодисами? сўроғини қўйиб, унга классик ва ҳозирги адибларимиз, айниқса шоир Ҳ. Олимжон асарларидан қатор мисоллар келтириб, унинг ижодий ҳодиса эканлигини исботлаб беради.

Такрор ва унинг стилистик функцияси ҳақида профессор А. Мамажонов фикр юритиб, унинг фонетик такрор, лексик такрор, морфологик такрор, синтактик такрор кўринишлари борлигини, бундай такрор типлари ўзбек халқ оғзаки ижоди материаллари, бадий ва публицистик асарлар тилида жуда кенг қўлланишини баён қилади. “Бу ҳолат синтактик – стилистик фигуралар анализи учун бой материал бўлиб ҳисобланади ҳамда такрор бўйича алоҳида ва муҳим текширишлар олиб бориш, тегишли хулосалар чиқариш имкониятини туғдиради”, - деб такрор ҳодисасининг ниҳоятда долзарблигини кўрсатади.

Адабиётшунослик ва тилшунослик бўйича айрим манбаларда аллитерация, эпифора, анафора, ассонанс, консонанс, плеоназм, тавтология,

нақарот кабиларни бадий такрорнинг турли хил кўринишлари тарзида талқин қилинган.

Шоир ва ёзувчилар тасвирланаётган воқеа-ҳодисаларнинг назарда тутилган томонига ўқувчи диққатини тортиш учун ёки маълум нарсаларни санаб кўрсатиш, уни бўрттириб тасвирлаш ниятида, кўпроқ шеърий асарларда, баъзан прозада ҳам айрим товуш ёки товушлар бирикмасига, сўз ёки гапларга урғу беради, такрорлайди. Бизнинг асосий мақсадимиз, бадий нутқда товуш такрорининг услубий хусусиятларини очиб беришдир. Бу ҳодисанинг моҳиятини янада очиқ ва яқин тушуниш учун такрорнинг юқорида саналган айрим турлари ҳақида фикр юритиш жоиз деб биламиз.

**Анафора.** Параллел тузилган нутқ парчалари (масалан, мисралар) бошида айнан бир элементнинг такрорланишидан иборат стилистик фигура. Бу стилистик фигурадан ҳис-ҳаяжон, кўтаринки руҳ билан айтиладиган нутқ шакллари яратиш учун фойдаланилади. Анафоралардан турли даврда яшаб ижод этган адибларимиз моҳирона фойдаланиб келганлар. Жумладан, шоир Уйғун “Партизанлар” шеърида турли хил такрорлар ҳис-ҳаяжонни, поэтик фикрни бўрттирувчи муҳим восита эканлигини шундай акс эттиради:

**Қани** қизлар, **қани** ўртоқлар?

**Қани** кўклам, **қани** гўзал ёр?

**Қани** гуллар, **қани** булбуллар?

**Қани** шодлик, кўшиқ, кулгу, соз?

Келтирилган парчада мисралардаги анафоралар сўроқ гаплар такрори асосига қурилган бўлиб, ўқувчи ва тингловчида турли эмоцияларни уйғотувчи ифода воситаси бўлиб хизмат қилган.

Анафоралар гаплар, строфалар, абзацларнинг ўзаро муносабатига киришиши усули бўлиб ҳам хизмат қилади.

Буюк инглиз ёзувчиси В. Шекспир ўз асарларида анафорадан унумли фойдаланган:

Tired with all these, for restful death I cry,

As to behold desert a beggar born,

**And** needy nothing trimm'd in jollity,

**And** purest faith unhappily forsworn,

**And** gilded honour shamefully misplac'd,

**And** maiden virtue rudely strumpeted,

**And** right perfection wrongfully disgrac'd,

**And** strength by limping sway disabled

Мазкур парчадаги анафоралар ўзига хос ритмик қатор ҳосил қилиб, китобхонни илҳомлантириб, унга завқ бағишлайди.

Фонетик бадий такрорхалқ дostonларининг композицион тузилишида ҳам муҳим рол ўйнайди. Товушларнинг мисралар бошида такрорланиб келиши мазмунни бўрттирган, кучли эмоция ҳосил қилган:

**БулБойбўри** ажаб ишни қилади,

**Бул** элат сенинг билан бўлади. (“Алпомиш”)

Мазкур парчада **бул** кўрсатиш олмошининг атайин такрорланиши Яртибой нутқиға таъкидлаш оҳангини бермоқда.

Ёки: **Тойчи** шоҳим кўп сиёсат қилгандир,

**Тойчихон** амриман жаллод келгандир. (“Алпомиш”)

Мисраларидаги анафорада ҳам сўзловчининг учинчи бир шахс ҳақидаги алоҳида таъкид ва эҳтиромли нутқи сезилиб туради. Сўз таркиби фақат жарангли ундош ва унли товушлардан иборат бўлган анафораларда маънони кучайтириш, интенсивлик, эмоционаллик янада кучли бўлади:

**My heart's** in the Highlands,

**My heart is** not here,

**My heart's** in the Highland's,

A chasing the deer.

**Эпифора.** Шеърый асарларда сўзлар ёки мисралар охирида ифодалиликни кучайтириш учун айрим унли ёки ундош товуш такрорланади. Бунга товуш консовкаси ёки эпифора дейилади.

I am exactly the man to be placed in a superior position **in such a case as that.**

I am above the rest of mankind, **in such a case as that.**

Бу тасвирий воситадан шоир Ҳ. Олимжон ҳам унумли фойдаланган:

Уйда,

оилада,

далада,

қирда,

Оппоқ пахта битган серунум ерда

Озод меҳнат зўр жадал билан.

Инсонни қайтадан кўкартирганда,

Ҳар минут сен ўзинг биз билан бирга! (“Маҳорат”)

Ҳ. Олимжон поэзиясида товуш такрорининг бир кўриниши кўзга ташланадики, унда товуш мисра ва туроқ бошида такрорланмайди, балки бир мисрадаги сўзлар ичидаги маълум товуш атайлаб такрорланади ва шеърға мусиқийлик бағишлайди. Бу ҳодиса инфорик эпифора ҳисобланади:

Сезаётир

Бу кетишнинг кучида

Бу ўтмишнинг

Бу ютишнинг

Сийнасиға тракторнинг босганин. (“Темир қонун”)

Кўринадики, мисралар боши, ўртаси ёки охирида ҳар бир сўзда маълум товушнинг такрори шеърға оҳангдорлик, силлиқлик киритган. Шу асосда маънога ҳам таъсир кўрсатган. Бошқача айтганда, сўзлардаги товуш такрори асар бадий қийматини ошириш, тилдаги образлиликни юзага келтиришда муҳим стилистик восита бўлиб хизмат қилган.

**Хулоса.** Шундай қилиб, фоностилистик воситалардан саналмиш анафора ва эпифоралар фикрни образли баён этиш, шеърхонга эстетик завқ

бағишлаш, мазмуннинг теранлиги, шаклнинг жозибали бўлиши ва шеъринг мусиқийликни таъминлаш учун хизмат қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рйхати:**

1. Астафьева И.М. Виды синтаксических повторов, их природа и стилистическое использование. -М.: 1962. -С14.
2. Мамажонов А. Қўшма гап стилистикаси. -Т.: Фан. 1990. -Б. 18.
3. Шомақсудов А. Ўзбек тили стилистикаси. -Т.: Ўқитувчи. 1983. -Б. 234.
4. Қунғуров Р. Ҳ. Олимжон асарлари тилини ўрганиш бўйича материаллар. - Самарқанд. 1971. -Б. 22-41
5. Ҳожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. -Т.: Ўқитувчи. 1985. - Б. 70.

## **ЎЗБЕК ТИЛИДА УНДОВ СЎЗЛАРНИНГ ЎРНИ**

*Салихова Н.Н.*

*БухДУ таржимашунослик ва лингводидактика кафедраси ўқитувчиси*

Маълумки, XX-XXI аср лингвистикаси тадқиқотлар марказига инсон омилини қўйди. Бу соҳада жаҳон тилшунослигида Н.Д. Арутюнова, Ю.Д. Апресян, Г.А. Золотова, Ю.Н. Караулов, Г.В. Колшанский, Е.С. Кубрякова, В.И.Карасиклар томонидан салмоқли ишлар амалга оширилди[1,2]. Дарҳақиқат, тилни ўз ҳолича ундан ташқарида, унинг яратувчиси – инсонга аҳамият қаратмасдан билиш мумкин эмас. Инсон мулоқот қилиш учун тил яратди. Гапирадиган, ҳис қиладиган, тафаккур қиладиган инсон – энг асосийси ҳаракатдаги шахс дунё ва тил бирлигида бўлади. Инсоннинг дунё ҳақидаги тушунчаси, бошқа одамларга бўлган муносабати ўзи танлаган лисоний ва нутқий бирликларда ифодаланган бўлади.

Ўзбек тили грамматикасининг асосий объекти саналган ундов сўзлар кўпгина тадқиқот ишларининг объекти бўлган бўлса-да, унинг нутқий мулоқотдаги хусусиятлари ҳали тадқиқоталабдир[ 3,4,5]. Ундов сўзларнинг такрор қўлланиши ва матнда бир неча ундов сўзнинг биргаликда қўлланиши сўзларнинг турли маъно қирраларини очиш учун хизмат қилади. Бундан ташқари гапдаги ифодавийлик, таъсирчанликни оширади. Ундов деб аввало кишининг ҳис-ҳаяжонини бевосита ифодалайдигантовуш бирликларига айтилади: *оҳ, эҳ, уҳ, уф, э, бе, вой, а, о, ие, ҳе, ҳаҳ, эҳ-ҳа, ўҳ-ҳў, вийдод* каби. Ундов билан қандай ҳис-ҳаяжон ифодаланаётгани кўпинча аниқбўлмайд; ундовдан кейин (баъзан олдин) келадиган жумланинг мазмуни ундов қанақа ҳис-ҳаяжонни ифодалашини, қандай оҳангда талаффуз қилинишини кўрсатиб туради. Баъзи ундовлар аниқ бир ҳис-ҳаяжонни ифодалашга хосланган бўлади. Масалан, *бе* ундови рози бўлмаслик,

## МУНДАРИЖА

<i>Жўраева М.М.</i> Устозга эҳтиром!.....	4
<i>Алимова М.Х.</i> Устознинг нурли йўли.....	7
<i>Ҳайдаров А.А.</i> Меҳрибон устоз, моҳир педагог.....	9
<i>Расулов З.И.</i> Табаррук излардан бориб.....	11
<i>Вахидова Ф.С.</i> Камтарин ва фидоий инсон.....	13
<i>Hasanova D.</i> Memory.....	15
<i>Vokhidova N.N.</i> Memory.....	15
<i>Bekjanova Sh.</i> Memory.....	15

## I-ШЎБА: ЗАМОНАВИЙ ТИЛШУНОСЛИҚДА КОГНИТОЛОГИЯ ВА ЛИНГВОМАДАНИЯТ

<i>Жўраева М.М.</i> Тилшунослиқда тил ва маданиятнинг аҳамияти.....	16
<i>Ҳайдаров А.А.</i> Ёзув билан боғлиқ услубий хусусиятлар.....	19
<i>Jumayeva O.I.</i> Language is a means of cognition and communication.....	23
<i>Majidova Z.M., Varnoeva M.</i> Grammatical categories and grammatical forms of English.....	25
<i>Khayrullayeva N.N.</i> Economic metaphors in English newspapers.....	27
<i>Рўзиева Н.Х.</i> Хушмуомалалик категорияси ва унинг замонавий тилшунослиқда асосий тадқиқ йўналишлари.....	29
<i>Ochilova M.R.</i> Cyberlexicography is one of new spheres of Linguistics.....	32
<i>Наврүзова Н.Х.</i> Товуш такрорининг услубий вазифаси.....	34
<i>Салихова Н.Н.</i> Ўзбек тилида ундов сўзларнинг ўрни.....	38
<i>Шукурова М.А.</i> Лингвистическая природа социально-этической лексики.....	40
<i>Вахидова Ф.С.</i> Искусство конверсии: язык, слова в котором меняют смысл из-за переключения ударения.....	42
<i>Qosimova N.F., Rabiyeva M.G'.</i> Тилда эвфемизмларнинг ишлатилиши ва улар билан боғлиқ тушунчалар хусусида.....	47
<i>Рахматова М.М., Курбонова М.</i> Лисоний тафаккурнинг аксиологик ифодаси.....	50
<i>Ablullayev Sh.Dj., Sadriddinova D.H.</i> Promotion of the Uzbek language abroad through our athletes.....	53
<i>Нарзуллаева Ф.О.</i> Инглиз тилида «head» сўзининг луғавий маънолари.....	55
<i>Зияева Д.А.</i> Ўзбек тилидаги нутқий фаолият феълларининг ўзаро синонимик алоқалари.....	57
<i>Djumayeva N. Dj.</i> Magical clothes in English folklore.....	60
<i>Bobobekova J.O.</i> Discursive essay and its characteristic features in the English language.....	62